

ЎЗССЖ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
"ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ" ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙГОҲИ

С. АШИРҲОЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ НАСРИЙ АСАРЛАРИДАГИ СОДДА  
ГАПЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ВА МАЪНО  
ХУСУСИЯТЛАРИ

Тошкент "Ўқитувчи" 1990

**С. АШИРБОВ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НАСРИЙ АСАРЛАРИДАГИ  
СОДДА ГАПЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ВА МАЪНО  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

На узбекском языке

С. АШИРБОВ

Структурно-семантические особенности  
простого предложения прозы

Алишера Навои

Ташкент "Уқитувчи" 1990

Мухаррир М. Собирова

Техн. редактор С. Турсунова

Муқова рассоми Ж. Одилов

Мусаххиха Л. Мирзаахмедова

Босилга руҳнат этилди 14.08.90. Формати 60X84/16. Тип. қоғози № 1  
Ротапринт усулида босилди. Шартнома б.л. 8,835. Шартли кр.=отт.  
9,0675. Нашр. л. 7,8. Тиражи 1000. Зак. № 2001 Баҳоси 65 т.

"Уқитувчи" нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13-249

ЎзССР Матбуот давлат комитети "Матбуот" полиграфия ишлаб чиқариш  
бирлашмасига қарашли 4-босмахона. Тошкент, Радиальный проезд,  
10, 1990.

Типография № 4. ТПО "Матбуот" Государственного комитета  
Узбекской ССР по печати. Ташкент, проезд Радиальный, 10.

ТАҚРИЗЧИЛАР: Ш. ШУКУРОВ, суҳаншунослик фанлари доктори,  
Н. РАҲМОНОВ, суҳаншунослик фанлари номзоди

## К И Р И Ш

Эски ўзбек ёдномаларининг тил хусусиятлари инкилобгача ҳамда ундан кейин кенг куламда ўрганилган<sup>1</sup> ва ўрганилмоқда. Бу ишларда аксарият ёдгорликлар лексикологик, лексикографик ва морфологик жаҳатдан ўрганилган бўлиб, эски ўзбек тили синтаксиси буйича қиллинган ишлар бармоқ билан санарли даражададир. Бу соҳада Ғ. Абдурахмонов, А. Рустамов, А. Матғозиев, Х. Назарова, М. Раҳмонов, М. Юсупов каби тилшуносларгина иш олиб бораётганлигини айтиб ўтиш лозим.

Юқорида номи эикр этилган тилшунослар асарларида, асосан, қўшма гап синтаксиси ёритилган, содда гап синтаксиси ҳақида эса А. М. Шчербак, Ғ. Абдурахмонов, Ш. Шукуров ва Х. Назарова асарларидагина баъзан қиёман, баъзан кенгроқ маълумот борлигининг эътиборга олинган мумкин<sup>2</sup>, холос.

Эски ўзбек тилининг барча имкониятларини жаҳонга танитган, Урта Осиё туркий халқлари илм ва маданияти тарихида ёрқин из қолдирган<sup>3</sup>, ўзбек адабий тилининг асосчиси, унинг шуҳратини оламга ёйган<sup>4</sup>, Урта Осиё "туркча"сининг ажойиб намунаси бўлган, ҳатто бутун бир даврнинг, бутун бир халқнинг адабий тили<sup>5</sup> деб юритилган Алишер Навоий асарлари синтаксиси ҳанузгача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Айниқса, Алишер Навоий насрий асарлари содда гаплари маҳсул тадқиқот объекти бўлган эмас.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ш у к у р о в Ш. Ўзбек тили тарихининг ўрганилиши. - "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1982, № 5, 17-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ш е р б а к А. М. Грамматика староузбекского языка. М.-Л., 1962, с. 211-212; А б д у р а х м о н о в Ғ. А., Ш у к у р о в Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент, 1973, 254-290-бетлар. Н а з а р о в а Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV и начала XVI веков. Ташкент, 1979, с. 16-99.

<sup>3</sup> Н а с и л о в В. М. Лягвистические взгляды Алишера Навои, - в сб. "История лингвистических учений". Средневековий Восток. Л., 1981, с. 143.

<sup>4</sup> Б о р о в к о в А. К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка. - в сб. "Алишер Навои". М.-Л., 1946. 92-120-бетлар.; Ш е р б а к А. М. Грамматика староузбекского языка. 1962, с. 36.

<sup>5</sup> Д о н я ё р о в Х. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир. - "Навоий ва адабий таъсир масалалари" тўплами. Тошкент, 1968, 279-бет.